ФРАНЦ КАФКА ЯНГИ АРХЕТИПЛАРДАН БИРИ СИФАТИДА

Махматқулова Зарина Нуруллаевна
Гулистон давлат университети
Мустақил тадқиқотчиси

Аннотация

Ушбу мақолада Хх асрнинг илғор адабий услуби ва тасвир алоҳидалиги Франц Кафка ҳақида сўз боради. Кафка ижодиёти ўзбек насрига таъсир қиларкан, мифни тамомила янгича талқин этиш имконини берганлиги мулоҳазаларда аёнлашади.

Калит сўз: тип, поэтика, услуб, усул, сюжет, композиция, мезон, этика.

ХХ аср тонг отарида кириб келган адабий-бадиий тасвир принциплари юз йил давомида турфаланди. Эндиликда сюжет ва композицияда бириув ҳосил қиладиган ижтимоий онг тараққиётида юзага келадиган поэтик яхлитлик ёзувчилардан катта маҳоратни талаб қила бошлади. Ёзувчилар анаъана ва новаторлик принципларидан сира узоқлашмади. Ғарбу Шарқ адабий тафаккуридаги йўналишларни моҳирлик билан ўзларида синаб кўрдилар. Жамият ва одамлар дунёқарашидаги узил-кесил ўзгаришларни индивидуал услублари негизад қайта баҳолашга белбоғладилар. Зотан, бадиий тафаккур қатламларида акс этувчи ҳар қандай тасвир приёмлари аввало, инсон учун, унинг мукаррам ва олий туйғулари учун эканлигини бир баҳя бўлсин унутмадилар. Ёзувчи Камю бу ҳақда шундай ёзади: "Барча улуғ ислоҳотчилар Шекспир, Сервантес, Мольер, Толстойлар яратган ижод намуналарини ўрганиш орқали тарих саҳнасига чиқишга уринганлар. Дунё ҳар бир одам қалбидан жой олган озодлик ва мавжудликка интилиш ташналигини фақат ўз воситалари билан қондиришга қодир эмас. Ўз-ўзидан ойдинки, гўзаллик инқилоб билан мукаммаллашмайди, бироқ шундай кун келадики, инқилобнинг ўзи унга эҳтиёж сезади. Унинг воқеликни қамраб олиши ва бир бутунликка интилиш учун исён қонунига – ижодийлик қонунига бўйсуниши шарт бўлади. Инсон табиатини ва дунёнинг гўзаллигини мадҳ этиш билан адолатсизликни бутунлай йўқ қилиш мумкинми? Биз, мумкин, деб жавоб берамиз. Фақат бўйсунмас ва толмас ахлоқгина бизга ҳақиқий ижодий инқилоб йўлини очади"[1]. Кўриб ўтганимиздек, ҳар қандай мифологик талқин асрлар ғамидан ҳикоя қиларкан, ёзувчининг муҳим бир ҳаётий ақидаларининг бир томонинигина акс эттиришга замин беради.

Бадиий хронотоп ўзининг қай йўсинда ифода қилинишига қараб турли шаклларда намоён бўлади: "Тарихий воқеликдан ажратиб бўлмайдиган биографик замон воқеликка нисбатан қайтарилмасдир. Бироқ характерга нисбатан бундай замон қайтарилувчан: характернинг у ёки бу чизиғи ўз-ўзича сал аввалроқ ёки сал кейинроқ пайдо бўлиши мумкин. Характер хусусиятларининг ўзи хронологиядан холи, улар замон аро майдонга келади. Характер ўзича ўсмайди, ўзгармайди. У бор-йўғи тўлишади. Илк парчаларда номукаммал, очилмаган характер охирида тўла очилади ва мукаммаллашади. Шунингдек, характернинг очилиши йўли унинг тарихий воқеликка ёндош ҳолатда ўзгаришга, қайта шаклланишига эмас, балки фақат унинг тугалланишига, демакки, аввалданоқ чизги берила бошланган шу шаклни тўлғазишга олиб боради. Плутарх биографик типи шундай"[2]. Дарҳақиқат, бадиий хронотопнинг бу хусусиятлари ҳақида сўз борганда яқин-яқинларда ёзилган ўзбек бадиий тафаккурининг маҳсули бўлган ҳикояларда

[1] https://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/alber-kamyu-isyon-va-sanat-isyonkor-odam-kitobidan.html
[2] Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. –Т., Akademnashr. 2015. –Б.114.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

ёркин бўёқларда кўринади. Ушбу давр ёзувчилари уч даврни бадиий асарда типиклаштира олган: биринчи мифологик образлар негизида хротоноп яратиш, иккинчиси собиқ иттифоқ даври муаммоларини кескин танқидий руҳда тасвирлаб асар яратиш, учинчиси ҳеч қандай дастур, топшириқ ёки чақириқдан холи – бадиий асар яратиш тушунилади. Мана шу уч хусусият икки замонни ҳам бирдек ифодалай олишга катта замин ҳозирлай олади.

Жаҳон адабиётшунослигида ҳикоя жанри поэтикаси билан шуғулланган адабиётшуносларнинг аксарияти Арасту чизиб берган таҳлил ва структура йўлини ривожлантириб, жанрдан эса жанрнинг фарқини аниқлашга тутинганлар. Жанрдан эса бошқа жанрни яратиш санъаткор ҳиссий ва ақлий тафаккур сарҳадларининг кенг ва тиниқлиги билан ўлчанади. Эътибор берамиз: оламнинг Яратувчиси ягона Аллоҳ. У ҳар қандай мўъжизага қодир. У берган тафаккур ва соғлом эътиқодгина ёзувчи ёки шоирни юксакликка кўтариши тайин. Негаки, барқарор ва идрокланган фалсафа тагида – бирор аниқ маконга олиб борувчи кўзга кўринмас йўл бор. Бунинг номи инсонни ўзини билишга мослаштириш деган. Инсоният неча минг йиллардан буён ўзини билиш ва исботлаш фалсафаси кўйида умр кечиради. Бу кечмишлар ҳамиша сайёра, юлдузлар, ер ва осмон жисмлари ҳайратидан илоҳм олишга етаклайди. XX аср ибтидосида ана шу манзил хашнинг кўкрак қафасида идрокланди. Франц Кафка, Жойс ва Камю ижодида ёлғизлик таргизимига инсоннинг қудрати ҳеч қачон дош беролмаслиги аниқ деган тўхтамга келинди. Ҳақ таолони билиш – XX аср инсонларининг эмас, азал ва абад қонуни эканлиги турли фрагментлар фонида картинага илинди. Айни шу жабҳада инсон ўзининг ёлғиз эканлигига янада қаттиқ ишонди. Бу ишонч ҳар кимда ҳар хил даражада бўлиши табиий. Кимдир фарзанд доғида аламзада, кимдир бойлик ва нафс йўриғида эгилган, кимдир ватан ва озодлик ишқида гирёна бўлди. Айни шу мавзулар жаҳон романнависларининг диққат-эътиборини "мафтун" этган бўлса, ажабмас. Чунончи, антик авантюр эпосдан ибтидо олган эпос моҳиятида бой ва камбағал одам образи, йигит ва қиз айрилиғи, ота ёки она оҳу фарёди, дўст ва душман қилмишлари марказий ўринда ўз ролини ижро қилишди. Айни дамда, мана шу сюжетга эга романлар кейинчалик яккаҳокимлик, қуллик, мутелик, сургунлик, сиёсий мухолифату қирғинбаротларни келтириб чиқариш концепциясини ишлаб чиқишга оммавий сафарбарликни қонун даражасига олиб чиқишди. Бунга бўйсунмаган ёзувчилар ўз ватанларида отилди, зиндонбанд қилинди, сургун қилинди, аёвсиз таъқибга учради. Эпосда жам бўлган характерлар категорияси айнан ҳикоя лейтмотивини белгилаб беришга асос бўлди.

Бу ҳақда сўз борганда академик Наим Камримовнинг қуйидаги фикрлари ҳам қимматлидир: "Ўтган асрнинг 60-йилларидан бошлаб рус, Европа ва Америка ёзувчиларининг кўплаб асарлари ўзбек тилига таржима қилина бошланди. Ўтган давр мобайнида асарлари ўзбек тилига таржима қилинган Э.Хемингуей, Г.Маркес, Я.Кавабата, А.Камю, Ф.Кафка, Х.Кортасар, Ж.Жойс, П.Коэло сингари хорижий ёзувчиларнинг асарлари ўзбек ёзувчилари ижодига сезиларли таъсир кўрсатди. Айниқса, қирғиз адиби Чингиз Айтматовнинг глобал давр муаммолари чақнаб турган асарлари Ўткир Ҳошимов ва Мурод Муҳаммад Дўст авлодларининг шаклланшида муҳим аҳамиятга молик бўлди. Лекин, адабиётимиз бахтига, бу ёзувчилар буюк устозлари соясида қолиб кетмадилар"[3]. Жаҳон бадиий насрининг ўзбек адабиётига, хусусан, ижодкорларга таъсири масаласи турли хил оқимлар, ифода йўсинлари ёрдамида ўз қалбларини қутқуга солган дарддан фориғ бўлишга қаратилган қатор асарларни тушунамиз. Шуни қайд этиш лозимки, миллий урф-одатлардан тийиб туриш, мавжуд тузум байроқдорларини мадҳ этишга диққат қаратилди. Бироқ адабий ҳаётни,

[3] https://jahonadabiyoti.uz/2019/01/17/xx-asr-ўzbek-adabiёti--жаҳон-adabiёti/

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.

ижодни теран тушунган ёзувчилар ўзларига мақъбул йўлни топдилар. Булар мана шу қиёфада намоён бўлиши кузатилди: а) миллий ментал хусусиятлар (тасвир ва талқин)дан ажралмаган ҳолда адабий таъсирланиш тўғридан-тўғри адабий таъсирланиш (яъни унда ижодкорга улуғвор ғоялар илҳом беради), баъзан бу тақлид шаклида кўзга ташланади. Айнан шу жиҳатда тақсимлош ишончни оқлайди. Негаки, инсон ўз оламида яшаётган, ўзининг орзу-умидлари сари илдамлаётган, узоқ йиллар бир сохта тизим гирдобида қолган ёзувчиларга бениҳоя кўл келади.

Хулоса шуки, Франц Кафка ҳикояларида – қабристон, ўлим ва унинг ижтимоий асослари чуқур талқин этилади. Чунки ёзувчи ҳар бир даврнинг муаммоларини англаш механизмини типиклаштиради. Бу типиклаштириш одамларда бир қадар янгиликка олиб борувчи йўлларни осонлаштиради. Сиёсий ақидалар Кафка ижоди учун ҳеч бир муаммо эмас. ахир, миф ва ҳикоя бирлиги унинг дунёқарашидаги асл моддият ва маънавиятни тутиб турувчи асослардан биридир.

© Ushbu material Creative Commons Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) litsenziyasi asosida tarqatiladi.